**"Ўзстандарт" агентлигига қарашли Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ходимлари истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган жамоалардан. Марказ томонидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги ҳамда "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонунлари ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб борилаётир.**

# ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРАЙЛИК

Юқорида тилга олиб ўтган қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилиняпти, ички истеъмол бозорида паст сифатли, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишининг олдини олиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш борасида тегишли вазифалар бажарилаяпти.

Эсингизда бўлса, авваллари дўконга киргудек бўлсангиз, энг аввало, сотувчининг қош-қовоғига қараб муомала қилинарди. Негаки, у пайтлари сифатсиз ёки сизга маъқул келмаган маҳсулотни қайтариб олиб боришнинг сираям иложи ва имкони йўқ эди. Маҳсулот тақчил бўлганлиги сабабли, одамлар товарларни топганига шукр қилишарди. Истиқлолга эришганимиздан кейин вазият тубдан ўзгарди. Бугун бозору дўконларимиздан истаган маҳсулотингизни топишингиз мумкин. Қолаверса, сизда танлаш имконияти бор. Дўкондаги сотувчилар мижозни маҳсулот сифати ва кафолатига оид барча маълумотлар билан батафсил таништириши керак. Истеъмолчи кафолат муддати амалда бўлган пайтда қусури бор товарни сифатлисига алмаштириши ёки бутунлай қайтариб бериши мумкин. Уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари қонун йўли билан ҳимояланган. Марказ ходимлари тегишли ташкилот ва идоралар билан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу борада айниқса, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қўл келяпти.

Вилоят синов ва сертификатлаштириш марказининг сертификатлаштириш органи ҳамда аккредитланган синов мажмуаси томонидан 2008 йил давомида соҳага тегишли қарор ва ҳужжатлар асосида режали ишлар бажарилди. Давлат корхонасининг сертификатлаштириш органига йил мобайнида маҳсулотларни сертификатлаштириш учун 837 та аризалар билан мурожаат қилинган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига 501 та, озиқ-овқат маҳсулотларига 321 та, бошқа маҳсулотларга 15 та аризалар билан қилинган мурожаатлар шулар жумласидандир. Сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан ва сертификатлаштириш ишлари натижасида якунланган йилда жами 60339401,24 минг сўмлик маҳсулотларга 837 та мувофиқлик сертификати берилди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг мувофиқлик сертификатини эътироф этиш (тан олиш) йўли билан 16 та мувофиқлик сертификати расмийлаштириб берилди.

2008 йил 12 ой давомида сертификатлаштириш органи томонидан 7250 минг сўмлик 700 дал виноматериал маҳсулоти, 84 минг сўмлик нон маҳсулоти, 48 минг сўмлик қандолатчилик маҳсулоти истеъмолга яроқсиз деб топилиб, мувофиқлик сертификати берилиши рад этилди. Мазкур маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари (виноматериал) намлик кўрсаткичлари бўйича (нон ва қандолатчилик маҳсулотлари) бўйича яроқсиз деб топилиб, қайта ишлашга жўнатилди.

Сертификатлаштириш натижасида яроқсиз деб топилган маҳсулотлар тўғрисида унинг эгалари ва божхона бошқармасига меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги ҳақида билдиришнома берилди. Ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказларига маълумотлар юборилди. Йил давомида синов ва сертификатлаштириш бўйича бажарилган ишлар ҳажми жами 205013,76 минг сўмни ташкил этди.

— Қонунларни билиш ва унга оғишмай амал қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Уларнинг ижросини таъминлаш эса ҳар бир ваколатли идоранинг вазифасидир.



## *Назорат*

Жамоамиз мутахассислари томонидан шу йилнинг январь, февраль ойларида қонун талаблари, ҳукумат қарорлари ҳамда тегишли топшириқлар ижросини ўз вақтида сифатли таъминлаш борасида кўплаб ишлар қилинди, — дейди Сурхондарё вилояти Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Кўчқор Аҳмедов. — Хусусан, бозор ва дўконларимизда сотилаётган сифатсиз, инсон соғлиғи учун зарарли бўлган маҳсулотларни камайтириш учун астойдил иш олиб бораётирмиз. Олиб бораётган текширишлардан мақсад кимнингдир айбини топиб жазолаш эмас, балки амалий кўмак бериш, ишни қонун талаблари асосида тўғри ташкил этишга кўмаклашишдир.

"Ўзстандарт" агентлиги Бош директори томонидан 2005 йил 1 февралда тегишли буйруқ билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида рўйхатга олинган) сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекцион назоратни ўтказиш қоидалари асосан 2008 йил давомида сертификатлаштириш органи томонидан 111 та корхонада инспекцион назорат олиб борилди. Ўтказилган назорат натижасида 111 та корхонага берилган 92 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тасдиқланди. 6 та корхонага берилган 8 та мувофиқлик сертификатлари ўзаро тузилган лицензион шартнома шартлари бажарилмаётганлиги сабабли сертификатларнинг амал қилиш муддати вақтинчалик тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни олиб киришни тартибга солиш тўғрисида"ги, 2004 йилдаги "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ва йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги тегишли қарорини бажариш мақсадида марказнинг аккредитланган синов лабораторияси томонидан халққа сифатсиз озиқ-овқат ва алкогол маҳсулотларининг сотилиши ҳамда ҳудудга олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган доимий ишлар олиб борилмоқда. Юқорида тилга олиб ўтилган ҳукумат қарорларини бажариш бўйича марказ аккредитланган синов лабораторияси томонидан 2008 йилнинг 12 ойи давомида назорат қилувчи органлар томонидан жами 86 та мурожаат бўлиб, 12 хилдаги 9371711,3 минг сўмлик маҳсулотлар устидан 86 та синовлар ўтказилди. Ўтказилган синовларнинг 29 таси салбий натижали деб топилди. Вилоят Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва бўлимларининг 25 та қилган мурожаатларига асосан 1561951 минг сўмлик маҳсулотлар устидан синов ўтказилиб, 25 синов баённомалари расмийлаштирилди.

"Ўзстандарт" агентлиги ҳамда республика маркази томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ синов лабораторияларини ИСО/МЭК 17025 халқаро стандартлари талабларига асосан халқаро аккредитацияга тайёрлаш бўйича марказда муайян ишлар амалга оширилди. Сифат тизими жараёни ҳужжатлари ишлаб чиқарилмоқда, зарурий меъёрий ҳужжатлар олиниб, керакли асбоб-ускуналарни харид қилиш мақсадида буюртмалар берилмоқда. Синов лабораториясини ривожлантириш мақсадида аккредитация доирасини кенгайтириш кўзда тутилган ҳолда 2009 йил учун ривожлантириш дастури тузилди. Мавжуд деҳқон бозорларида 22 дона назорат тарозилари бор. Барча бозорларда унинг метрологик ҳолатига жавобгар шахслар, яъни метрологлар иш олиб боради. Ўтган йили марказ ходимлари томонидан бозорларда ўлчов бирлигининг ягоналигини таъминлаш, тарози тошларини давлат кўригидан ўтказиш мақсадида вилоятдаги барча деҳқон бозорлари билан қиёслов ишларини уддалаш учун шартнома жадвали тузилди. 12 та туман ва шаҳар деҳқон бозорларида 4216,1 минг сўмлик қиёслов ишлари амалга оширилди ва ушбу бозорлар ҳудудида фаолият юритаётган 132 та хусусий тадбиркорларнинг 418 та ўлчаш воситалари давлат қиёслов кўригидан ўтказилиб, тамғаланди.

Марказда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг асосий қисмини олий маълумотли, ҳаётий кўникмага эга мутахассислар ташкил этади. Улар орасида, айниқса, ёшлар сероб.

— Истеъмолчиларни сифатсиз хизмат ва маҳсулотлардан ҳимоялаш — бош мақсадимиздир, — дейди Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси бош ҳисобчиси Зафар Соатов. — Бу борадаги фаолиятимизни фақат қарши курашиш билан эмас, балки тушунтириш ва тарғибот йўли билан ҳам амалга оширмоқдамиз. Сабаби, бугунга келиб хизмат кўрсатувчилар, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сони кўпайгани сайин, истеъмол маданиятини ошириш масаласи ҳам ҳаётий заруратга айланиб бораётир.

Сирасини айтганда, Сурхондарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жамоасининг мақсади битта. У ҳам бозор ва дўконларимизда истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар бўлмаслигига эришишдир.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Сурхондарё вилояти*




**Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Лот-1** "Андижон вилоятидаги "Қорагунон" коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 105 757 627 сўм; ишларнинг тугалланиш муддати: – 7 ой.
**Лот-2** "Андижон вилоятидаги "Қатортол" коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 71 026 576 сўм; ишларнинг тугалланиш муддати: – 4 ой.
**Лот-3** "Андижон вилоятидаги "Шаҳрихонсой" (Баққол) хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 103 070 391 сўм; ишларнинг тугалланиш муддати: – 5 ой.
**Лот-4** "Андижон вилоятидаги "Новый" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 144 732 827 сўм; ишларнинг тугалланиш муддати: – 5 ой.
**Лот-5** "Андижон вилоятидаги "К-84" коллектори тизимидаги мелиоратив насос станцияси ва мелиоратив қудуқларини реконструкция қилиш" объекти.
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 169 523 728 сўм; ишларнинг тугалланиш муддати: – 4 ой.

**Лойиҳа ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

***Буюртмачи:* Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.**

**Танлов ташкилотчиси – *Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.***

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (юз минг) сўм.

**Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**

**Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 20 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.**


**Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар**
**ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартдаги 79-сонли буйруғига асосан очиқ лекциялар ўтказиш тўғрисида**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони | Маъруза мавзуси | Сана | Кафедра номи | Ўқув корпуси, аудиторияси, вақти | Маъруза тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сангирова Умида Равшановна, катта ўқитувчи | Нархлар, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллиги | 2009 йил 18 март | Сув хўжалиги иқтисоди | Б-404 8.30 | Давлат тилида |
| 2 | Умаров Сухроб Рустамович, и.ф.н., катта ўқитувчи | Хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилиши | 2009 йил 19 март | Сув хўжалиги иқтисоди | Б-406 8.30 | Давлат тилида |
| 3 | Қодирбеков Туроп Қодирбекович, ф-м.ф.н., доцент | Рационал касрларни интеграллаш ва интеграллаш усуллари | 2009 йил 20 март | Олий математика | Б-406 8-30 | Давлат тилида |
| 4 | Юнусова Фарида Раҳмонбердиевна, т.ф.н., доцент | Гидравлик боғловчи портландцемент хомашёси, ишлаб чиқариш технологияси, хоссалари | 2009 йил 24 март | Гидро-техника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари | Г-305, 12.00 | Давлат тилида |
| 5 | Иргашев Арифжон Акромович т.ф.н., доцент | Механик узатмалар ҳақида умумий тушунчалар | 2009 йил 25 март | Конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш | В-107 10.00 | Давлат тилида |
| 6 | Ирмухамедова Людмила Ҳасановна, т.ф.н., доцент | Бетон қоришмасини тайёрлаш технологияси | 2009 йил 26 март | Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва уларнинг технологияси | В-216 12-00 | Давлат тилида |
| 7 | Аҳмедова Тамара Абдураҳимовна, катта ўқитувчи | Оқава сувларни тозалашнинг асосий методлари | 2009 йил 26 март | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Г-208 8.30 | Давлат тилида |
| 8 | Ибрагимов Эркин Исмоилович, катта ўқитувчи | Ишлаб чиқаришда шовқин ва титраш, ҳимояланиш тадбирлари | 2009 йил 27 март | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | В-508 8-30 | Давлат тилида |
| 9 | Исмоилова Зухра Карабаевна, п.ф.д., профессор | Касб таълими методлари | 2009 йил 28 март | Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси | Б-334 10.00 | Давлат тилида |
| 10 | Бобожонов Пўлат Хусейнович, қ.х.ф.д., доцент | Химия воды. Физические и химические свойства воды. Роль фотосинтеза и жизни растений | 2009 йил 30 март | Қишлоқ хўжалик гидротехника мелиорацияси | Г-509 8.30 | Рус тилида |
| 11 | Рамазонов Обит, қ.ф.д., профессор | Шўрланган тупроқларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва унумдорлигини қайта тиклаш усуллари | 2009 йил 31 март | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Б-317 10.00 | Давлат тилида |
| 12 | Сулаймонова Мунира Холиқовна, катта ўқитувчи | Ер тузиш бўйича лойиҳа ташкилотларининг таркиби ва вазифалари | 2009 йил 1 апрель | Ер тузиш ва ер муносабатлари | Б-339 8.30 | Давлат тилида |
| 13 | Шодмонова Гулчеҳра, и.ф.н., доцент | Иқтисодий статистик моделлаштириш ва ишлаб чиқариш функциялари | 2009 йил 1 апрель | Ахборот технологиялар | Б-323 8.30 | Давлат тилида |
| 14 | Султанов Тоҳиржон Зокирович, т.ф.н., доцент | Фермалар тўғрисида умумий тушунчалар. Қўзғолмас ва ҳаракатланувчи юклар таъсиридаги фермаларни ҳисоблаш | 2009 йил 3 апрель | Назарий ва қурилиш механикаси | Зал -1, 8.30 | Давлат тилида |
| 15 | Ибраймов Ашиқмамут, катта ўқитувчи | Гидротехника иншоотларини капитал ва таъмирлаш ишлари | 2009 йил 4 апрель | Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари | Г-505, 10.00 | Давлат тилида |
| 16 | Айтбоев Даулетбай Пердабаевич г.ф.н.,доцент | Сув сарфлари | 2009 йил 7 апрель | Гидрология ва гидрогеология | Г-511 12.00 | Давлат тилида |
| 17 | Кан Эдуард Климентиевич, т.ф.н., доцент в.б | Кавитация в насосах | 2009 йил 7 апрель | Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш | Г-322 8.30 | Рус тилида |
| 18 | Обидов Бахтиёр Муҳитдинович, т.ф.н., доцент | Суюқлик ҳаракат режимлари | 2009 йил 9 апрель | Гидравлика | Г- 401 12.00 | Давлат тилида |
| 19 | Ашуров Абдулло Файзуллаевич, катта ўқитувчи | Аҳоли пунктлари ерлари кадастрини юритиш зарурияти ва аҳамияти | 2009 йил 10 апрель | Геодезия ва ер кадастри кафедраси | Б-323 8.30 | Давлат тилида |
| 20 | Ўразкелдиев Абдувоҳид Бахтиёрович, қ.х.ф.н., доц. в.б. | Гидротехник зовурларнинг тузилиши, таркиби ва вазифалари. Қурама зовурлар, қўлланиш шартлари, таркиби | 2009 йил 10 апрель | Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси | Г-502 10.00 | Давлат тилида |
| 21 | Табаев Азамат Зарипбаевич катта ўқитувчи | Сув хўжалик корхоналарида асосий воситаларни ҳисобга олиш | 2009 йил 11 апрель | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | Б-227 10.00 | Давлат тилида |
| 22 | Ботиров Шавкат Чориевич, қ.х.ф.н., катта ўқитувчи | Тупроқларнинг ботқоқланиши ва шўрланиши. Тупроқларнинг шўрланиш сабаблари, шўрнинг ўсимликка таъсири, шўрланиш хиллари ва турлари, қуритиш меъёри | 2009 йил 13 апрель | Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси | Г-505 8.30 | Давлат тилида |
| 23 | Чертовицкий Алексанр Степанович, и.ф.д., профессор | Методологические основы стоимостной оценки земли | 2009 йил 16 апрель | Геодезия ва ер кадастри кафедраси | Б-341 8.30 | Рус тилида |
| 24 | Содиқов Хайрулла Сатторович, катта ўқитувчи | Ўзбекистоннинг иқтисодий географик жойлашуви ва жаҳон хўжалиги тизимида тутган ўрни | 2009 йил 18 апрель | Сув хўжалиги иқтисоди | Б-121 8.30 | Давлат тилида |
| 25 | Нигматий Сайфулла Ҳидоят ўғли, б.ф.н. доцент | Бегона ўтларга қарши кураш | 2009 йил 18 апрель | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Б – 318 10.00 | Давлат тилида |
| 26 | Маҳмудова Иқбол Мухамеджановна, т.ф.н. доцент | Сув таъминоти тизимини мослаштирувчи ва сувни сақловчи иншоотлар турлари | 2009 йил 20 апрель | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Г – 208 8.30 | Давлат тилида |
| 27 | Каримова Ҳабиба Ҳамдамовна, катта ўқитувчи | MS Excel дастурида функциялар билан ишлаш, диаграмма яратиш, таҳрирлаш | 2009 йил 20 апрель | Ахборот технологиялар | Б-320 10.00 | Рус тилида |
| 28 | Кушаев Турсун и.ф.н.,доцент | Экономика фермерского хозяйства | 2009 йил 20 апрель | Сув хўжалигини бошқариш | Б-106 10.00 | Рус тилида |
| 29 | Атажанов Адилжон Усенович, катта ўқитувчи | Горизонтал ёпиқ қувурли дренажларни қуриш машиналари | 2009 йил 20 апрель | Гидромелиоратив ишларини механизациялаш | В-317 8-30 | Давлат тилида |
| 30 | Мусаев Илҳомжон Мақсудович, т.ф.н., доцент | Картографик генерализация ва унинг хусусиятлари | 2009 йил 21 апрель | Геодезия ва ер кадастри кафедраси | Б-322 10.00 | Давлат тилида |
| 31 | Абдукаримов Зиёратулла Абдукаримович, т.ф.н., к.ўқитувчи | Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими ва унинг вазифалари | 2009 йил 21 апрель | Конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш | В-101 10.00 | Давлат тилида |
| 32 | Буриев Салимжон Самеджонович, қ.х.ф.н. катта ўқитувчи | Ўғитлар ва уларнинг қўлланилиши | 2009 йил 22 апрель | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Б – 317 10.00 | Давлат тилида |
| 33 | Абдураҳманова Ирода Қаландаровна, катта ўқитувчи | Ишлаб чиқариш харажатлари | 2009 йил 25 апрель | Иқтисодий назария асослари | В-604 10.00 | Давлат тилида |
| 34 | Салиев Боҳодир Комилович, т.ф.н.,доцент. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қўлланиладиган чора-тадбирлар | 2009 йил 25 апрель | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | Г-607 8.30 | Давлат тилида |
| 35 | Джаббаров Насим Ганиевич, т.ф.н., доцент | Асинхронные электрические машины | 2009 йил 30 апрель | Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш | В-406 10-00 | Рус тилида |
| 36 | Шарипов Насриддин Раҳмонович, катта ўқитувчи | Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш | 2009 йил 2 май | Ер тузиш ва ер муносабатлари | Зал-8 8.30 | Давлат тилида |
| 37 | Дўсматова Анзират к.ф.н., катта ўқитувчи | Тузлар гидролизи | 2009 йил 4 май | Физика ва кимё | Зал -4 8-30 | Давлат тилида |
| 38 | Исматуллаев Худжат Нигматович, т.ф.н., доцент | Статистик ночизиқ унсурларни чизиқлантириш | 2009 йил 4 май | Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш | В-205 10-00 | Давлат тилида |
| 39 | Исмоилхўжаев Баҳодирхўжа Шарипхўжаевич, б.ф.д. профессор | Фототроф микроорганизмларнинг кўпайтириш биотехнологияси | 2009 йил 5 май | Экология ва сув ресурсларини бошқариш | Зал-7 10.00 | Давлат тилида |
| 40 | Раҳмонов Қосимжон, и.ф.н., доцент | Ер ресурсларини бошқаришда ахборот таъминоти | 2009 йил 6 май | Геодезия ва ер кадастри кафедраси | Б-323 8.30 | Давлат тилида |
| 41 | Базаров Раҳматилла Хасанович, т.ф.н., доцент | Суғориладиган майдонлар юзасини текислаш | 2009 йил 10 май | Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш | Г-609 | Давлат тилида |
| 42 | Қодиров Бахтиёр, ф.м.ф.н., доцент | Ёруғликни квант табиати, фотоэффект ҳодисаси | 2009 йил 12 май | Физика ва кимё | Зал-1 8.30 | Давлат тилида |
| 43 | Асрақулова Васила Набиевна, катта ўқитувчи | Темур ва темурийлар даври маданияти | 2009 йил 21 май | Гуманитар фанлар | Зал-7 10.00 | Давлат тилида |
| 44 | Аҳмедова Дилором Бахромовна, катта ўқитувчи | Конституция основной закон Республики Узбекистан | 2009 йил 28 май | Гуманитар фанлар | Б-512 10.00 | Рус тилида |

**ИНСТИТУТ ЎҚУВ-МЕТОДИКА БЎЛИМИ**

**Рустамжон саҳар чоғи қаттиқ гумбурлашдан чўчиб уйғонди. Ётган жойидан эринибгина деразага қаради. Очиқ парда ортидан ташқарида ёмғир қуяётгани кўриниб турар, гумбурлаган момоқалдироқ овози энди бир оз олислаб, гоҳо чақмоқ ялтирарди.**

**— Қани энди, қишлоқда бўлсангу, қопними-қанорними ёмғирпўш қилиб, қир-адирларга йўл олсанг, челак-челак қўзиқорин терсанг, — дерди қўшни хонада нонушта қилаётган дадаси.**

**— Вой, такси чақириб берайми, ҳозироқ жўнайсизми? — деди ойиси аввалига ҳазиломуз оҳангда. Сўнг гапни жиддий давом эттирди: — э-э, дадаси, ҳозир қирларни қўйинг, тоғ чўққисида ҳам қўзиқорин анқонинг уруғи. Челаклаб теришни айтасиз, дориликка тўрт-бешта топиб келинг-чи?!. Ошга бостириб, шундай пишириб берардимки, мазаси оғзингиздан кетмасди. Балки ошқозон оғриғингиз ҳам барҳам топармиди.**

# ҚЎЗИҚОРИН ЕМАГАН БОЛА ҚЎЗИ ДУМБАНИ БИЛМАСОВ...

Ҳа, қўзиқорин шунчаки неъмат эмас, гулдуракдан уйғониб, чақмоқдан қувват олиб, ерни ёриб чиқади. Унинг на пояси, на илдизи бор, яхшилаб пиширилса, қўй гўштидан ҳам мазали ва тўйимли бўлади. Чақмоқдан қувват олгани учунми ўта доривор хусусиятга эга.

Рустамжон ота-онасининг суҳбатини эшитиб ётарди. Улар қўзиқориннинг хислатларини, ёшликларида гулдирак қарсиллаб, ёмғир ёққач, талашиб-тортишиб уни терганларини эслашди.

Болакай иссиққина тўшакда ётаркан, қўзиқорин нима эканини ўзича тасаввур қиларди. Тунов куни қўшнилардан бири қўзи сўйганди. Ўшанда қўшни аёл қўзи гўшти шифобахшлигини айтувди. Балки қўзиқорин дегани шудир? Унда унинг қишлоққа, далаю қирларга нима алоқаси бор? Болакай ота-онасидан бу ҳақда сўрамоқчи эди, бироқ тонг уйқуси ўрнидан турғазмади...

Дарҳақиқат, болаларимизнинг аксарияти қўзиқорин нималигини, уни қаерда ўсишини билмайдилар. Хуштаъм, тўйимли қўзиқоринлар замбуруғлардан фарқ қилади. Улар хусусида китоб ва дарсликларда ҳам унчалик кенг маълумот берилмаган.

Мактаб ўқувчиларининг "Ботаника" дарслигида шундай маълумотни учратамиз: "Ўрта Осиё текисликларида қўзиқорин (сморчок) лар кўп учрайди. Мевасининг танаси бир талай тешиклар билан қопланган, шу тешиклар найчалар ичига ўтади. Қўзиқорин тузилишида шундай хусусият борлиги учун найсимон қўзиқоринлар жумласига киритилади. Найча деворларида споралар етилади. Баъзи қўзиқоринлар жуда катта бўлиб кетади ва оғирлиги 1200-1700 грамм келади (лофни қаранг). Одам соғлиғи учун фойдали озиқ моддалар бор".

Ушбу маълумотнинг айтмоқчи бўлаётган фикр-мулоҳазаларимизга унчалик алоқаси бўлмаса-да, жумлаларнинг ғализ ва тушунарсиз эканини таъкидламай иложимиз йўқ. Ундан болалар тугул катталар ҳам дурустроқ тушунча ололмайдилар. Ахир, "найчалар" нимаси? "Споралар" ўрнига "уруғлар" дейилса бўлмайдими?

Ғаллаорол туманидаги Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Раббим Исабоев табиатга ошуфта, жонкуяр инсон. Табиат, юрт гўзаллиги ва инсонлар ҳақида шеърлар ёзади. Шу билан бирга, доривор гиёҳлар ва табиат неъматлари билан қизиқиб, уларнинг қаерда ўсиши, инсон саломатлиги учун қандай фойдаси борлигини ўрганади.

— Қадимги ҳакимлар, — дейди у, — ҳар бир кишига йилда лоақал бир марта қўзиқоринга тўйишни тавсия этганлар. У равоч, татран ва тутдан ҳам олдин чиқадиган неъмат бўлгани туфайли узоқ қишдан кейин киши вужудида сустлашган аъзолар фаолиятини меъёрга солади, ошқозон-ичак фаолиятини, қон айланишини яхшилайди. Умуман, қўшимча қувват беради, негаки, қўзиқорин гулдурак ва чақмоқнинг фойдали қувватларидан куч олади. Буюк ҳаким Жолинус "Қайси неъмат инсон вужудининг қайси аъзосига ўхшаса, ўшанга доридир", деб бежиз айтмаган. Қўзиқориннинг ташқи кўриниши ошқозонга ўхшайди, нўхат — мияга, ловия — буйракка... Афсуски, ҳозирги пайтда табиатда қўзиқоринлар камайиб бормоқда.



Бизнингча, бунинг биринчи боиси қўзиқоринларнинг муҳофаза қилинмаслигида. Агар ушбу даъвомизни табиатни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўқиб қолишса, "Энди шуниси етмай турувди," дейишлари турган гап. Тўғри-да, уларни қўриқлаб бўладими?..

Табиатда халқона ибора билан айтганда қўзи думба (шампиньон) деб ном олган неъматлар ҳам анча камайиб кетди. Бир пайтлар улар тоғолди қир ва адирликларда, тўқай ва ариқ бўйларида ўсгувчи эди. Энди унга ошхона ва ресторанларда тансиқ таом сифатида буюртма берамиз. Қўзи думбалар Россия, Болтиқбўйи, Украина, Молдавия халқлари таомномаларидан жуда қадимдаёқ ўрин олган. Бу мамлакатлар аҳолиси уни қайнатиб, қовуриб, тузланган ҳолда истеъмол қилади. Маҳсулот иссиқхоналарда саноат асосида етиштирилиб, экспортга ҳам чиқарилади.

Айрим қўшни мамлакатларда консерваланган қўзи думбаларнинг 280 граммлик шиша идишлардагиси юртимиз бозорларида 2800 сўмдан сотилмоқда.

Юқорида қўзиқоринларни муҳофаза қилиш хусусида тўхталдик. Хўш, уларни кимдан ва нимадан муҳофаза қилишимиз керак?

Бир пайтлар 8-10 оила болалари навбат билан қўй-эчкиларимизни яйловларга чиқариб боқардик. Кўкламнинг илк кунларида ўтлоқларга йўл оларканмиз, қишлоғимиз оқсоқоллари: "Фалон ерга, фалон тепага ёки текисликка ҳафта-ўн кун мол ҳайдаманглар, қўзиқоринлар нобуд бўлмасин, улар одамларнинг ризқи", деб тайинлашарди. Биз бу гапларга қатъий амал қилар эдик.

Эрта кўкламда момақалдироқ гумбурлаган куни болалар билан қўзиқорин тергани дала-дашт томон чопардик. Қўзиқорин мавсуми тугагач, ўтлари анча ўсиб қолган яйловда молларимизни яйратиб, тўйдириб боқардик.

Ҳозир тоғолди ва дашт қишлоқларда яшовчи кексалар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар қўзиқорин ва қўзи думбалар ҳақида ажойиб ривоятларни, воқеаларни ҳикоя қилиб беришади. Мутахассислар эса улар кўпгина хасталикларга даволигини айтишади.

Баъзан табиатда қўзиқоринларнинг камайиб кетишига сўнгги йилларда баҳорий ёмғирларнинг кам ёғаётгани ҳам сабаб эмасмикан, дея ўйлаб қоламан. Лекин барибир табиатни муҳофаза қилиш идоралари, қишлоқ фаоллари, жамоатчилик қўзиқорин ва қўзи думбалар кўп ўсадиган жойларни аниқлаб, муҳофазага олсалар, ёмон бўлмасди. Бундай жойлар атиги 10-15 кун қўриқланса, бас! Қўзиқоринлар етилиб, китобда ёзилганидай, "споралари" тўкилса, келаси йили униб чиқаверади. Бундан ташқари, 10-15 кун ўтгач, "қўриқланган" жойлар серўт яйловларга айланади. Бундан чўпон-чўлиқлар ҳам, албатта, миннатдор бўлишади.

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани боис ишбилармонлар қўл урмаган соҳа, тармоқ қолмади, ҳисоби. Улар томонидан иссиқхоналарда етиштирилган ноз-неъматлар халқимиз дастурхонини қишин-ёзин бирдек тўкин бўлишини таъминлаётир. Улар қўзи думба ва қўзиқорин етиштиришни ҳам йўлга қўйсалар фойдадан холи бўлмасди.

Ҳадемай, қўзиқорин мавсуми бошланади. Кўкламнинг серёғин келишига қараганда, бу йил унинг мўл бўлиши тахмин қилинмоқда. Демак, ёмғирпўшингизни, саватча ва челакларни тайёрлайверинг, биргалашиб қўзиқорин терамиз.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ**



# "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" давом этмоқда

Республика ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартдаги фармойишига асосан жорий йилнинг 15 мартидан республикамиз ҳудудида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" бошланди.

Тадбир давомида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини ошириш, ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув ташкилотларида ўқитиш ишларини яхшилаш, қолаверса мазкур тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этиш тадбирнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Мазкур фармойиш талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ташкилий-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан жойларда бир қатор тадбирлар амалга оширилади.

Мазкур тадбирга ички ишлар идоралари, жумладан, ДЙҲХХ ходимлари, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла жамғармаси, меҳнат жамоалари ва халқ таълими тизимлари ходимлари жалб этилади.

Улар томонидан ҳар куни меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва оромгоҳларда, болалар боғчаларида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борилади.

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилаётганлиги тўғрисида аҳоли кўп тўпланадиган жойларда, бозорлар олдида реклама, панно ва шиорлар ўрнатилди. Телевидение каналлари орқали доимий тарзда реклама роликлари намойиш этиб борилмоқда.

Ойлик мобайнида аниқланган қонунбузарликлар меҳнат жамоаларида ва маҳаллаларда муҳокама қилинади.

Тадбир давомида махсус рейдлар ўтказиб бориш учун махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан доимий тарзда рейдлар ўтказиб борилади.

Бундан ташқари, йўллар кўрикдан ўтказилиб, пиёдалар йўлкалари таъмирланади, йўл белгилари ўрнатилади ва эскирганлари алмаштирилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳокимлик ва идораларга тақдимномалар киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати**


## Ҳурматли тадбиркорлар!

ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҒОЯЛАРИНГИЗ БЎЛСА, ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ЎЗ КОРХОНАЛАРИНГИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ, ШУ АСОСДА РАҚОБАТБАРДОШ, ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ "ПАХТА БАНК"ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ



**ОАТБ "Пахта Банк" Сизнинг инвестицион лойиҳангизни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради!**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сонли қарорига асосан "Пахта Банк" мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 3 йилдан ортиқ муддатга, 12 ойга тенг имтиёзли давр билан кредитлар ажратади.**

Қарз олувчи мижоз имтиёзли кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- *ариза;*
- *пул оқимлари прогнози кўрсатилган бизнес-режа;*
- *корхонанинг молиявий ҳисоботлари;*
- *кредит қайтарилишини таъминлаш шаклларидан бири;*
- *а) мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;*
- *б) банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;*
- *в) учинчи шахслар кафиллиги;*
- *г) суғурта полиси.*

**Батафсил маълумот олиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиаллари ёки 150-53-44 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

"ПАХТА БАНК" – СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!


Эҳтиёт-шарт

## ҚЎЛБОЛА ГАЗ УСКУНАСИ ЁНҒИН САБАБЧИСИ

Донишмандлар "Бошингга бирор ташвиш тушса, мушкулотга дуч келсанг, унинг сабабини, энг аввало, ўзингнинг хатти-ҳаракатларингдан қидир", деб бежиз айтишмаган.

Кейинги пайтда содир бўлаётган ёнғинлар сабабини таҳлил қиладиган бўлсак, электр, газ ускуналаридан, кундалик ҳаётимиз учун ғоят зарур бўлган ана шу манбалардан фойдаланиш тартиб-қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланади.

Баъзи кишилар озгина сарф-харажатдан қочиб ёки ҳисоблагич орқали газга пул тўланишидан бўйин товлаб, шундай нотўғри ишларга қўл урадилар. Қўлбола газ ускуналари, сифатсиз резина шланглар эса ёнғин чиқишига сабаб бўлмоқда. Озгина маблағни тежайман дейдиган ёки эринчоқлик қиладиган айрим кишиларнинг ана шундай бир томонлама фикрлашлари ўнлаб миллион сўм турадиган уй-жойлари, жиҳозлар ва бошқа мол-мулклари ёниб кул бўлишига олиб келмоқда. Ана шундай ҳолатлардан сабоқ чиқарилиши керак.

**Нодир АЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспектори, милиция катта лейтенанти.**


Андижон вилояти хўжалик судининг қарорига асосан "Булоқбоши ипаги" ОАЖнинг банкрот деб топилганлиги муносабати билан "BULOQBOSHI HUA LU" қўшма корхонаси хорижий корхонага айлантирилишини ва Устав фондини 1 700 000 АҚШ долларидан 1 205 130 АҚШ долларига камайтирганлигини маълум қилади. Даъво ва аризалар Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Исмоилий кўчаси, 72-уйда 253-20-04 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги "ARSENAL UNIVERSAL" МЧЖ (ОКПО бўйича код 22553604) ўзининг Устав жамғармасини 51 500 000 сўмдан 1 500 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида 422-46-56 телефони ёки Мунаввар кўчаси, 17-уйда қабул қилинади.

ДП "AYLIN GIDA SANAY COMPANY" (код по ОКПО 16366223, ИНН 202016344), сообщает о реорганизации в ИП ООО "AYLIN GIDA SANAY COMPANY" с переходом всех прав правопреемства. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 237-03-25.

ООО "PROGRAMA SERVICE" Юнусабадского района г.Ташкента, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. г.Ташкент, Ц-5 49/2. Тел.: 729-55-33.

Утерянный план дома, выданный БТИ Яккасарайского района г.Ташкента на имя Хасиятовой Мавзиды Мавлявневны, расположенный по адресу: г.Ташкент, Яккасарайский р-н, массив Башлык, дом 14, кв.33, считать недействительным.

## Макарон, омихта ем ва қоплар сотилади

"Шўрчи дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган омихта ем маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархларда маблағ ўтказиш ёки нақд пулга, макарон маҳсулотлари ва қоплар тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали маблағ ўтказиш ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Шўрчи шаҳри, Ун заводи даҳаси 1-уй.

Телефонлар: (8-376) 45-51-772; 45-54-584.
"Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ маъмурияти.
Маҳсулотлар сертификатланган.

ЧП "MERKURY STONE" Самаркандского района Самаркандской области преобразуется в ООО "MERKURY STONE". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул. Уста Ширин, 109. Тел.: 705-77-75.

Утерянный кадастр № 44-2005, выданный ООО ЧПКФ "RAVNAQLI", расположенный ул. Пилла, 151, Мирзо Улугбекского района г.Ташкента, считать недействительным.

ДП "ШЫМКЕНТПИВО-UZK" (код по ОКПО 18522584, ИНН 204034320), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, в соответствии с решением Учредителя от 10.03.2009 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.С.Касымова, 19 (бывший завод Тахтапуль-Нон). Тел.: 240-53-18, факс: 240-53-17.

СП ООО "BALT TASH LISING" (код по ОКПО 21480044, ИНН 300478361), зарегистрированное Министерстве Юстиции Республики Узбекистан за № 734 от 17 июня 2008 года, сообщает о реорганизации в виде присоединении ИП ООО "TECHNOUNIVERSAL LEASING" к СП ООО "BALT TASH LISING". Правопреемником считается СП ООО "BALT TASH LISING" по всем правам и обязанностям. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 774-24-48.

Утерянный патент № 0704061, выданный 3 декабря 2008 г. на имя Таджибаева Жулдуз Дошановна – частному предпринимателю Хамзинского района г.Ташкента, считать недействительным.

ЧП "MUSTANG-PERFEKT" (ИНН 205784994), зарегистрированное в Хамзинском районе г.Ташкента, объявляет об уменьшении Уставного фонда с 50 000 000 сум до 38 600 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 235-16-92.

ЧП "INTERAGRO-PLUS" (ИНН 300259942), зарегистрированное в Хамзинском районе г.Ташкента, объявляет об уменьшении Уставного фонда с 36 840 000 сум до 28 000 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 235-08-75.

ООО "EXLUSIVE AGRO" (ИНН 300526713), зарегистрированное в Мирабадском районе г.Ташкента, объявляет об уменьшении Уставного фонда с 30 000 000 сум до 200 000 (двести тысяч) сум. Претензии принимаются по тел.: 235-07-53.

Утерянная круглая печать ЧП "Халиков У.Х." Мирабадского района г.Ташкента, считать недействительным.

Товар сертифицирован

SSANGYONG

Двигатель, трансмиссия, подвеска по лицензии Mersedes-Benz

*Весь модельный ряд*

*KYRON*



ООО "ULOR AVTO" официальный дилер компании "SsangYong Motor Co" (Южная Корея) в Узбекистане.

Тел.: (+998 71) 148-48-48, 150-71-20, факс (+998 71) 150-71-21, моб.: (+998 97) 421-21-01, 421-21-02.

Прямые поставки с завода-изготовителя (Южная Корея)
Автомобили адаптированы, гарантия - 2 года или 40.000 км пробега.


Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси Жисмоний тарбия кафедраси мудири, доцент Мирсултон Салиховга ўғли **МУРОД**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган – 224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: М.ЮСУПОВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.10
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678